ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
УЧҚЎРҒОН ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
UCHQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING

QARORI

«26» сентябр 2019 йил **5009-сонли** **Учқўрғон шаҳри**

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2019 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 586 нафарни ташкил этадиган 9,8 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 2,8 фоиз (171 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 353 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта

махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,2 фоиз (192 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,8 фоиз (167 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,1 фоиз (8 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,2 фоиз (12 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,2 фоиз (13 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,4 фоиз (24 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (М.Рахимов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор “Ёрқин ҳаёт” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Вахобов**

Туман ҳокимининг
2019 йил ____ сентябрдаги
_____ сонли қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. Б.Туламирзаев - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. М.Рахимов - Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. О.Мадрахимова - Туман ҳокимининнг ўринбосари
4. М.Хайитбаев - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
5. Б.Зайниев - Туман Халқ таълими бўлими мудири
6. Т.Собиров - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. Д.Алимқулов - Туман бандликка кўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари: **Б.Туламирзаев**

Туман хокимининг
2019 йил _____ даги
_____-сонли қарорига
2-илова

Учқўрғон туманида "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан корхона ва ташкилотларда 2020 йилга белгиланган квота иш ўринлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

№	Ташкилотлар	Жами ишлов-чилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	"Учкургон туман йул хужалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси	91	9	2,0	2,2	2,0	2,2	2,0	2,2	0,0	0,0	1,0	1,1	1,0	1,1	1,0	1,1
2	Ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати	81	8	2,0	2,5	3,0	3,7	2,0	2,5	1,0	1,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3	Учқўрғон туманидаги марказий касалхона	1083	108	33,0	3,0	40,0	3,7	25,0	2,3	3,0	0,3	0,0	0,0	5,0	0,5	2,0	0,2
4	19-Болалар мусика ва санъат мактаби	27	3	1,0	3,7	1,0	3,7	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	3,7	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Учқўрғон туманидаги 46-сон мактаб интернати	130	13	4,0	3,1	3,0	2,3	4,0	3,1	1,0	0,8	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	0,8
6	"Учқўрғон Ёғ" ҳиссадорлик жамияти	350	35	10,0	2,9	13,0	3,7	10,0	2,9	0,0	0,0	1,0	0,3	1,0	0,3	0,0	0,0
7	"Учқўрғондонмаҳсулотлари" АЖ	250	25	7,0	2,8	6,0	2,4	6,0	2,4	2,0	0,8	1,0	0,4	2,0	0,8	1,0	0,4
8	Учқўрғон туман Ободонлаштириш бошкармаси	170	17	5,0	2,9	4,0	2,4	4,0	2,4	1,0	0,6	1,0	0,6	1,0	0,6	1,0	0,6
9	Туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси	33	3	1,0	3,0	1,0	3,0	1,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
10	Норин-Ҳаққулобод ирригация тизимлари бошқармаси	50	5	1,5	3,0	1,0	2,0	1,0	2,0	0,0	0,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,5	1,0
11	Учқўрғон туман давлат санитария-эпидемнология назорат маркази	64	6	2,0	3,1	2,0	3,1	2,0	3,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
12	Учқўрғон туманидаги 1-сон умумтаълим мактаби	73	7	2,0	2,7	2,0	2,7	2,0	2,7	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0

13	Учқўрғон туманидаги 2-сон умумтаълим мактаби	68	6,5	2,0	2,9	1,5	2,2	2,0	2,9	0,0	0,0	1,0	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0
14	Учқўрғон туманидаги 3-сон умумтаълим мактаби	65	6	2,0	3,1	2,0	3,1	2,0	3,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
15	Учқўрғон туманидаги 4-сон умумтаълим мактаби	40	4	1,0	2,5	2,0	5,0	1,0	2,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
16	Учқўрғон туманидаги 5-сон умумтаълим мактаби	60	6	2,0	3,3	2,0	3,3	2,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
17	Учқўрғон туманидаги 6-сон умумтаълим мактаби	47	4,5	1,0	2,1	1,5	3,2	2,0	4,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
18	Учқўрғон туманидаги 7-сон умумтаълим мактаби	51	5	1,0	2,0	2,0	3,9	2,0	3,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
19	Учқўрғон туманидаги 8-сон умумтаълим мактаби	90	9	2,0	2,2	2,0	2,2	3,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,1	1,0	1,1
20	Учқўрғон туманидаги 9-сон умумтаълим мактаби	72	7	2,0	2,8	2,0	2,8	2,0	2,8	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0
21	Учқўрғон туманидаги 10-сон умумтаълим мактаби	70	7	2,0	2,9	2,0	2,9	2,0	2,9	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0
22	Учқўрғон туманидаги 11-сон умумтаълим мактаби	44	4	1,0	2,3	2,0	4,5	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
23	Учқўрғон туманидаги 12-сон умумтаълим мактаби	68	5	2,0	2,9	1,0	1,5	1,0	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,5	0,0	0,0
24	Учқўрғон туманидаги 13-сон умумтаълим мактаби	70	7	2,0	2,9	2,0	2,9	1,0	1,4	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0	1,0	1,4
25	Учқўрғон туманидаги 14-сон умумтаълим мактаби	61	6	2,0	3,3	2,0	3,3	1,0	1,6	0,0	0,0	1,0	1,6	0,0	0,0	0,0	0,0
26	Учқўрғон туманидаги 15-сон умумтаълим мактаби	43	4	1,0	2,3	1,0	2,3	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	2,3
27	Учқўрғон туманидаги 16-сон умумтаълим мактаби	60	6	2,0	3,3	2,0	3,3	2,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
28	Учқўрғон туманидаги 17-сон умумтаълим мактаби	43	4	1,0	2,3	1,0	2,3	2,0	4,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
29	Учқўрғон туманидаги 18-сон умумтаълим мактаби	22	2	0,5	2,3	1,0	4,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	2,3
30	Учқўрғон туманидаги 19-сон умумтаълим мактаби	52	5	1,5	2,9	2,0	3,8	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
31	Учқўрғон туманидаги 20-сон умумтаълим мактаби	42	4	1,0	2,4	2,0	4,8	1,0	2,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
32	Учқўрғон туманидаги 21-сон умумтаълим мактаби	60	6	1,5	2,5	2,0	3,3	2,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,8
33	Учқўрғон туманидаги 22-сон умумтаълим мактаби	44	4	1,0	2,3	2,0	4,5	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
34	Учқўрғон туманидаги 23-сон умумтаълим мактаби	53	5	1,5	2,8	2,0	3,8	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,9
35	Учқўрғон туманидаги 24-сон умумтаълим мактаби	52	5	1,5	2,9	2,0	3,8	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
36	Учқўрғон туманидаги 25-сон умумтаълим мактаби	50	5	1,5	3,0	2,0	4,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
37	Учқўрғон туманидаги 26-сон умумтаълим мактаби	33	3	1,0	3,0	1,0	3,0	1,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
38	Учқўрғон туманидаги 27-сон умумтаълим мактаби	43	4	1,0	2,3	2,0	4,7	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
39	Учқўрғон туманидаги 28-сон умумтаълим мактаби	42	4	1,0	2,4	2,0	4,8	1,0	2,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

40	Учқўрғон туманидаги 29-сон умумтаълим мактаби	43	4	1,0	2,3	2,0	4,7	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
41	Учқўрғон туманидаги 30-сон умумтаълим мактаби	52	5	1,5	2,9	2,0	3,8	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
42	Учқўрғон туманидаги 31-сон умумтаълим мактаби	43	4	1,0	2,3	2,0	4,7	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
43	Учқўрғон туманидаги 32-сон умумтаълим мактаби	52	5	1,5	2,9	2,0	3,8	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
44	Учқўрғон туманидаги 33-сон умумтаълим мактаби	61	6	2,0	3,3	2,0	3,3	2,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
45	Учқўрғон туманидаги 34-сон ихтисослашган мактаб	41	4	1,0	2,4	2,0	4,9	1,0	2,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
46	Учқўрғон туманидаги 35-сон умумтаълим мактаби	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
47	Учқўрғон туманидаги 36-сон умумтаълим мактаби	60	6	1,5	2,5	2,0	3,3	2,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,8
48	Учқўрғон туманидаги 37-сон умумтаълим мактаби	50	5	1,5	3,0	2,0	4,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,0
49	Учқўрғон туманидаги 38-сон ихтисослаштирилган мактаб интернати	54	5	1,5	2,8	2,0	3,7	1,0	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,9
50	Учқўрғон туманидаги 39-сон умумтаълим мактаби	41	4	1,0	2,4	2,0	4,9	1,0	2,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
51	Учқўрғон туманидаги 40-сон умумтаълим мактаби	62	6	2,0	3,2	2,0	3,2	2,0	3,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
52	Учқўрғон туманидаги 41-сон умумтаълим мактаби	33	3	1,0	3,0	1,0	3,0	1,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
53	Учқўрғон туманидаги 42-сон умумтаълим мактаби	66	6	2,0	3,0	2,0	3,0	2,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
54	Учқўрғон туманидаги 43-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати	34	3	1,0	2,9	1,0	2,9	1,0	2,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
55	Учқўрғон туманидаги 44-сонли умумтаълим мактаби	40	4	1,0	2,5	2,0	5,0	1,0	2,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
56	1-сонли мактабгача таълим муассасаси	40	4	1,0	2,5	2,0	5,0	1,0	2,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
57	4-сонли мактабгача таълим муассасаси	43	4	1,0	2,3	2,0	4,7	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
58	10-сонли мактабгача таълим муассасаси	33	3	1,0	3,0	1,0	3,0	1,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
59	11-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
60	12-сонли мактабгача таълим муассасаси	44	4	1,0	2,3	2,0	4,5	1,0	2,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
61	13-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
62	15-сонли кўп тармокли Давлат махсус мактабгача таълим муассасаси	64	6	2,0	3,1	2,0	3,1	1,0	1,6	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,6	0,0	0,0
63	16-сонли санатория типидаги мактабгача таълим муассасаси	34	3	1,0	2,9	1,0	2,9	1,0	2,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
64	17-сонли мактабгача таълим муассасаси	23	2	0,5	2,2	0,5	2,2	1,0	4,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
65	19-сонли мактабгача таълим муассасаси	32	3	1,0	3,1	1,0	3,1	1,0	3,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

66	24-сонли мактабгача таълим муассасаси	50	5	1,5	3,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	2,0
67	25-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
68	29-сонли мактабгача таълим муассасаси	24	2	0,5	2,1	1,0	4,2	0,5	2,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
69	41-сонли кўп тармокли Давлат махсус мактабгача таълим муассасаси	56	5	1,5	2,7	1,5	2,7	2,0	3,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
70	42-сонли мактабгача таълим муассасаси	45	4	1,0	2,2	1,5	3,3	1,0	2,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,1
71	3-сонли мактабгача таълим муассасаси	25	2	0,5	2,0	0,5	2,0	1,0	4,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
72	5-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
73	9-сонли мактабгача таълим муассасаси	24	2	0,5	2,1	0,5	2,1	1,0	4,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
74	21-сонли мактабгача таълим муассасаси	42	4	1,0	2,4	1,5	3,6	1,0	2,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	1,2
75	33-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
76	34-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	0,5	1,7	1,5	5,0	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
77	56-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	1,0	3,3	1,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
78	45-сонли мактабгача таълим муассасаси	30	3	1,0	3,3	0,5	1,7	1,5	5,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
79	46-сонли мактабгача таълим муассасаси	33	3	1,0	3,0	1,0	3,0	1,0	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
80	Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги "UCHKURGAN TEXTILE" қўшма корхонаси	150	15	4,0	2,7	5,0	3,3	5,0	3,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	0,7
81	Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги "UZTEX UCHKURGAN" қўшма корхонаси	114	11	3,0	2,6	1,5	1,3	6,0	5,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,4
82	Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги "TEXTILE FINANCE NAMANGAN" хорижий корхонаси	300	30	9	3,0	1,5	0,5	14	4,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	5,5	1,8
	Жами	**6025**	**586**	**171**	**2,8**	**192**	**3,2**	**167**	**2,8**	**8**	**0,1**	**12**	**0,2**	**13**	**0,2**	**24**	**0,4**

Туман ҳокимининг ўринбосари: **Б.Туламирзаев**

Ахоли Бандлигига кўмаклашиш маркази директори: **М.Рахимов**

Assalomu alaykum, aziz mushtariylar!

YORQIN hayot

2019-yil, 4-oktabr Juma. 30-son (6015)

Gazeta 1935 yildan chiqa boshlagan

UCHQO'RG'ON TUMAN HOKIMLIGINING GAZETASI

ISSN 2181-0095 / Sotuvda kelishilgan narxda / www.yorqinhayot.uz / Email: yorqin_hayot@umail.uz /

ХИРМОН ЮКСАЛМОКДА

✦ *Пахта - 2019*

Туманимиз аҳли бугун далаларда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. Айни пайтда давлат шартномавий режасини бажариб, зафар қучаётган фермер хўжаликлари сони ортиб бормоқда.



"Жўрамирза Шахобиддин Шавкат", "Сахий Замин", "Икром ўғли Шоҳжаҳон", "Санжар Хасан Хусан" фермер хўжаликлари шулар жумласидан.

"Исоқжон Файзираҳмон саховати" фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 17 гектар майдонда "оқ олтин" парваришладилар. Ниҳолга берилган меҳр, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Биринчилардан бўлиб давлат шартномавий режасини уддалаган хўжалик аъзолари ғалаба нашидасини муносиб нишонладилар.

* * *

"Яшиқобод эл хизматида" ММТПга қарашли барча фермер хўжаликларида йиғим-терим авжида. Нодирбек Умарқулов ҳали ёш бўлишига қарамай бир неча йилдирки, деҳқончиликнинг ҳалисини олган. Тасарруфидаги "Сахий замин" фермер хўжалиги аъзолари 46,4 гектар ердаги пахтани уюшқоқлик билан теришга киришдилар. Уларга Элатан маҳалласи аъзолари ҳамжиҳатликда ёрдам беришди. 9 иш кунида 157 тоннадан зиёд хом ашё давлат омборларига етказиб берилиб, биринчилар қатори режани бажаришди.

Деҳқонлар келгуси йил ғалласини ҳам экишга киришишди.

Ўз мухбиримиз.

✦ *Элга хизмат - олий ҳиммат*

ИШБИЛАРМОН ЮТУҒИ

"Тадбиркор ким?" деган саволга оддийгина тадбиркорда, деб қўямиз. Аммо унинг замирига чуқурроқ қарасак, тадбирли, янгиликка интилувчан, ташаббускор, ишбилармон, ўз ишининг устаси, ўз соҳасининг мутахассиси, ўз ишига ижодий ёндашадиган, ўз ишини севадиган, ўз ишидан завқланадиган, ўз ишидан ҳузур қиладиган, ўз ишидан ҳаловат оладиган, ўз ишидан роҳат оладиган, ўз ишидан лаззат о

ИШБИЛАРМОН ЮТУҒИ

"Тадбиркор ким?" деган саволга оддийгина тадбиркорда, деб қўямиз. Аммо унинг замирига чуқурроқ қарасак, тадбирли, янгиликка интилувчан инсонлар эканлиги аён бўлади. Туманимиз марказидаги аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келаётган маиший техника дўкони биринчилардан бўлиб, шундоққина 1-умумтаълим мактаби ёнида ўз фаолиятини бошлаган эди.

-2012 йилларда аҳолининг маиший техникага бўлган қизиқиши бугунгидек кучли эмасди. Кўп ҳолларда мосламаларнинг қимматлиги сабабли сотиб олишда муаммоларга дуч келганмиз. Шунда биз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида олти ойлик кредит асосида Учқўрғон ва Уйчи туманларида савдо дўкони очдик, - дейди тадбиркор Одилжон Обилов.

Янгиликдан чўчимай, таваккал қилган кишининг ишини Яратган қўллар экан. Орадан йиллар ўтди. Айни пайтда туманда кўплаб бундай савдо дўконлари фаолият юритмоқда. Ташаббус ўзини оқлади. Юртдошларимизнинг техникага бўлган эҳтиёжини қондириш учун изланаётган ишбилармон бундан-да юқори марраларни забт этади, деб умид қиламиз.

Шомра ТЎХТАБОЕВА.

ЯНГИ МАСКАН

Туманимизда яна бир янги маскан иш бошлади. "Учқўрғон Норин бўйи" дам олиш маскани фаолиятидан барча мамнун бўлмоқда. Чунки бу ерда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун қулай шароитлар яратилган. Алоҳида ёзги ва қишки айвонлар, чўмилиш ҳавзаси дам олувчилар хизматида. Айни пайтда нафақат вилоятимиздан, балки қўшни вилоятлардан ҳам ташриф буюришмоқда. Андижонлик, фарғоналик меҳмонлар сўлим табиат манзараларини кўриб, илиқ таассурот олмоқдалар.

Туманимизда тадбиркорлар учун қулай шароитларнинг яратилиши туфайли соҳа ривожланмоқда. "Yoshlar - kelajagimiz" дастури асосидаги 800 миллион сўм кредит эвазига ушбу хизмат кўрсатиш маскани фаолиятини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз.

Жорий йил 1 октябрь куни туманимизда ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланди. Сана муносабати билан бўлиб ўтган тадбирларда устозлар шаънига илиқ сўзлар айтилиб, уларнинг фидойиликлари эътироф этилди. Ҳафта давомида барча жойда айём шукуҳи кезиб, олам-олам шодлик улашилди. Ўқувчи ёшларнинг чиқишларида устозга эҳтиром бош мавзу бўлди.

* * *

✦ *Таълим фидойилари*

ШОГИРДЛАР ЙЎЛИНИ ЁРИТГАН НУР

Зохиран чечан, сўзамол, табиатан тиришқоқ, тиниб-тинчимас инсонларнинг умр йўллари ҳам ўзлари каби ёруғ нур таратади. Агар бу феъл-атвор аёлга берилса, икки ҳисса масъулият яралмишдаги нафосат билан қоришиб кетади. Яна у муаллима, ўзгалар йўлини ёритувчи маёқ - устоз бўлса-чи? Ўйлаб кўринг-а, булар бир жуссага оғирлик қилмайдими? Маҳбуба опа Зоҳидовани таниган-билганлар албатта: "Йўқ", деб жавоб беришади. Чунки опа меҳнатни роҳат деб билади. Қачон қараманг, ишлаш, янгиликлар яратиш иштиёқида елиб-югуради.

Эзгу соҳа - халқ таълими фидойиси ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак аслида. Бугун ортидан эргашаётган шогирдлари ўзидан-да, ўзиб кетишган. Фаолияти ҳақида сўрасангиз, ён атрофидаги илғор ўқитувчилардан тортиб,

Давоми 2-бетда

учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2019 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан, туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 586 нафарни ташкил этадиган 9,8 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 2,8 фоиз (171 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 353 та иш ўрнини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,2 фоиз (192 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали оталар, ногиронлар ва уларнинг оилаларидан ногиронлик мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор,

УЧҚЎРҒОН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Бошланиши 1-бетда

ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

да тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (М.Раҳимов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор "Ёрқин ҳаёт" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб.сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан

Осмон, ер, ой, юлдузлар, улар билан боғлиқ ғаройиб ҳодисалар неча асрлардирки, инсониятни ўйлантириб келади. Оламни нима ушлаб туради? Табиатдаги нарсалар қанчалик бир-бирига боғлиқ? Тараққиёт жараёнида бу каби саволларга жавоб топиш учун физика фани юзага келган. Одамлар юз йиллар аввал ҳам ернинг тортиш кучи, шакли ҳақида билишган. Лекин ушбу фан умумтаълим мактабларида ўқитила бошлагач, аниқ далил ва ҳаётдаги ҳодисаларга асосланилди. Бугунги даврга келиб, табиий бойликлар фаровонликка

Вилоят семинари

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

хизмат қилмоқда.

Ўтган ҳафтада мактабимизда бўлиб ўтган вилоят семинарини ўтказишдан мақсад ҳам ана шу масалага қаратилди. Олий тоифали физика фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Лазиза Усмонованинг 9 "а"-синфдаги "Идеал газ" мавзусидаги дарси мутахассислар томонидан кузатилди ва ижобий баҳо берилди.

АКТ, тестлар билан интерфаол усулда ташкил этилган дарснинг ривожлантирувчи мақсади ўқитувчиларга манзур бўлди. Маънавият дақиқасида Халқаро ҳунармандчилик фестивали борасида сўз борган бўлса, озон қатламини емирилишдан сақлашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар барчанинг эътиборини тортди. Ўқувчилар мустақил ишлаш орқали мавзуни ўзлаштирдилар.

"Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларга тайёргарлик ва ташкил этиш" мавзусидаги тақдимотда 1-мактаб ўқитувчиси Ҳилола Тўйчибоева янги ғоялари билан фикр алмашди.

Семинарда вилоят Халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Қаҳрамон Маматалиев компетенциявий таълим, ундаги илғор услублар ҳақида гапирди. Л.Усмонованинг дарси вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди.



Умида ҚЎЛДОШЕВА,
43-сонли ДИУМ ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари.

Тадбир

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига асосан, ҳар йили 21 сентябрь Халқаро тинчлик куни сифатида нишонланади. Ўқув масканимизда ёшлар онгида маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида қизиқарли танловлар уюштирилди. "Тинчлик қадри" мавзусидаги иншолар танлови ҳам-

таъминланиши, билим олиш, ҳунар эгаллаш учун яратилган шароитлар ҳақида фикр юритишди. Бунга жавобан ўғил-қизлар яхши ўқиб, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишлари зарурлиги таъкидланди. Бошланғич синф ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқларда она Ватан, мусаффо осмон, жонажон мактаб мадҳ этилди.

Шунингдек, "Назорат вақти" деб номланган учрашувда "Саттивой халфа" жомеъ

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор "Ёрқин ҳаёт" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб.сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими
2019 йил 26 сентябрь

А.Вахобов
Учқўрғон шаҳри

✦ *Тадбир*

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига асосан, ҳар йили 21 сентябрь Халқаро тинчлик куни сифатида нишонланади. Ўқув масканимизда ёшлар онгида маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида қизиқарли танловлар уюштирилди. "Тинчлик қадри" мавзусидаги иншолар танлови ҳамда шеърхонлик кечасида мавзу ёритилди. Мунира Тўрабоева, Мадина Эргашева, Даврон Турсунпўлатов сингари ўқувчилар фаоллик кўрсатишди.

Эрталабки сафланишда сўзга чиққан ўқитувчилар мазкур ҳужжатнинг ҳаётга жорий этилиши, осмонимиз мусаффолигини учун яратилган шароитлар ҳақида фикр юритишди. Бунга жавобан ўғил-қизлар яхши ўқиб, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишлари зарурлиги таъкидланди. Бошланғич синф ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқларда она Ватан, мусаффо осмон, жонажон мактаб мадҳ этилди.

Шунингдек, "Назорат вақти" деб номланган учрашувда "Саттивой халфа" жомеъ масжиди имом хатиби Абдулҳай Ўринов ва профилактика инспектори Сарвар Деҳқоновлар интизомга риоя этиш, давомат аъло ўқиш гарови эканлигини таъкидлашди.

Козимжон ТЎХТАБОЕВ,
8-мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Бошланиши 1-бетда

ШОГИРДЛАР ЙЎЛИНИ ЁРИТГАН НУР



республикадаги нуфузли идораларда ишлаётган, хорижда замонавий технологияларни ўзлаштираётган шогирдлари ҳақида тўлқинланиб, тўлиб-тошиб сўзлайди.

Ўқувчилари мактабни битирганига ўттиз йилдан ошган бўлса-да, ҳар бирининг исми-шарифини ёддан билади. Баҳоларини, яхши кўрсаткичларини шеър ўқигандек айтиб беради. Ҳаётини ёш авлод камолотига бағишлаган Маҳбуба опанинг таржимаи ҳолига назар солсак, ибратга тўла эканлигини кўриш мумкин. 1950 йилда Учқўрғон туманида туғилган қиз 1972 йилда Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаб, география фани ўқитувчиси сифатида фаолиятини тумандаги 2-ўрта мактабда бошлаган. Ёш кадрнинг дарс ўтиш методикаси, бўш пайтларида ташкил этган тадбирлари раҳбарларнинг назарига тушишига сабаб бўлди.

Шу йилиёқ мактаб директорига ўринбосар этиб тайинланди. Қарийб ўн тўрт йил шу вазифада ишлади. Янгиликлар яратиб, амалда жорий этди, мактаб рейтингини оширишга ҳисса қўшди. Туман халқ таълими бўлими услубчиси сифатида табиий фанларни ўқитишнинг энг сўнгги услубларини қўллаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, дарсларни кўргазмали воситалар билан ўтиш, фан олимпиадаларида туман вакилларининг ютуқларини кўпайтиришдек бир-биридан долзарб вазифаларга шўнғиб кетди.

Касбий маҳорати юқори бўлганлиги боис ҳамкасбларига ҳам шундай талабчанлик қилади. Ўттиз беш йиллик тажрибаси унинг чин маънода фидойи, ташаббускор, интилувчан эканлигини кўрсатиб турибди.

Оддий иш куни тугади. Оқшом тушиб, уйга қайётганида кўриб қолсангиз, худди аълочи ўқувчидек уйга вазифа ҳақида гапириб беради. География фанига оид ўндан ортиқ услубий қўлланмалар ана шу машаққат, изланиш меваси десак, муболаға эмас. Йигирма йилдирки, республика "География жамияти" аъзоси.

- Табиатни асраш, унинг неъматларидан унумли фойдаланиш - ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир, - дейди опа. - Дунё харитасида Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт бор экан, унга муносиб бўлиб яшаш керак.

Касби ортидан обрў-ҳурмат топган аёл оилада ҳам бахти бекамлардан. Турмуш ўртоғи Абдураҳмон ака Абдураҳимов (охиратлари обод бўлсин) билан уч қиз, икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказишди. Қизлари Малика, Муҳайё, Дилафрўзлар тарбиячи, уй бекаси ва ўқитувчилик қилишса, ўғиллари Илҳомжон ва Иқболжонлар турли касбларни танлашган. Ҳозир бир этак набиралари атрофида парвона.

Ҳикмат излаган инсонга ҳаётнинг ўзи мўъжизалар тутади. Опа кўп йиллик меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланган. "Халқ таълими аълочиси", "Мўътабар аёл" кўкрак нишонлари, "Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун" унвони бежизга берилмаган. Бу мукофотлар устознинг келгусидаги фаолиятига қанот бағишлаши бор гап. Бу нур шогирдлари йўлини яна узоқ йиллар ёритиб, машъала бўлишига ишонамиз.

Раъно ХЎЖАЕВА.

✦ *Маънавият сабоқлари*

ЁЛҒОН ВА ҒИЙБАТДАН УЗОҚЛАШИНГ

Шу кунларда интернетдаги айрим блогларда беҳуда миш-мишлар, ёлғон маълумотлар тарқатиш, бировларнинг айбини очиб, ғийбат қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Муқаддас динимизда инсон тилини ёлғонлардан, ғийбат ва туҳматлардан асрай олсагина, комилликка эришиши ҳақида тавсиялар берилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинишича: "Расуллоҳ (саллоҳу алайҳи васаллам) : "Доим рост гапиринг. Зеро, ростгўйлик яхшиликка олиб боради. Яхшилик эса жаннатга етаклайди. Киши рост гапиришда бардавом бўлаверса, Аллоҳнинг ҳузурида у сиддиқ, яъни фақат рост сўзловчи", деб ёзилади. Шу боис Ҳадисларда ёлғончиликдан сақланиш, каззоб, яъни ёлғончи бўлиб қолмасликка ундалади.

Тирноқ остидан кир қидириб, ўзгалар айбини оммага ёйиш орқали одамлар ўртасида нифоқ, келишмовчиликлар келиб чиқади. Бир-бирларига нафрат билан қаровчилар ислом одобидан йироқдир. Гап пойлаш, гумон қилиш, аразлаш каби ҳолатлар кишиларни ёмонликка бошлайди. Ака-ука, дўст-биродар тутиниб яшашга нима етсин.

Акбарали ЮСУФЖОНОВ,
"Эшондедахон" жомеъ масжиди имом хатиби.